

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Қизилтепа туман СЭНОМ  
Харид комиссияснинг раиси

«*М.*»



М.Ахмедов  
2022 йил

**ҚИЗИЛТЕПА ТУМАН СЭНОМ БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ  
ИШЛАРИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

Қизилтепа туман - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмунни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: **Қизилтепа туман СЭНОМ биносини жорий таъмирлаш ишлари.**

1.2.Танловнинг юкори қиймати— 163 858 694 (бир юз олтмиш уч миллион саккиз юз ёллик саккиз минг олти юз тухсон турт) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Максулот бўйича танлов хужжатларида илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

**2.1. Қизилтепа туман СЭОИМ**

(бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Қизилтепа шахар А.Навоий МФЙ Ўзбекистон шоҳ кўчаси

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

**2.3.Танлов Қизилтепа туман СЭНОМ**

“Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтиосослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- Техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- Танлов обьектига ўхаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган ишлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Курилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги
- Иштирокчи корхонанинг омборида максулот мавжудлиги
- Корхонанинг мавжуд траспорт воситалари хакида маълумот
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хоти
- Ноҳалол иштирокчилар реестрида мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот
- Солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Корхонанинг ишчи ходимлар mehnat.uz сайти оркали рўйхатдан ўтганилиги тўғрисидаги хужжат
- Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатига акс таъсир этмаслиги лозим, сифатсиз хизмат аникланса юкори турувчи органларга мурожаат килинади

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

**3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды:**  
қайта ташкил этилиш(ажралиши, күшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-  
мулки мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда  
ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлаги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва  
“Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.**

**4.2.Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:**  
Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар  
кўрсатилиши керак;

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари,  
тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилен бўлиши керак.  
Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва  
муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир вароғини мухрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

**4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаф этилади:**  
Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова  
килинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова килиниши лозим.

**4.4. Танлов иштирокчиси:**

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ  
жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш  
хуқукига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

**5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун  
таъгузли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.**

**5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга  
оширилади.**

**5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор махсус ахборот порталаида жойлаштирилиши  
лозим.**

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган  
тартибида жавобгар бўладилар.**

**6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибида ғолиб  
иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.**

**6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакиқийлиги ва тўғрилигига  
жавобгардир. Ғолиб иштироҷи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибида давлат  
буюртмачиси билан ўрнатилган тартибида ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.**

#### **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

**7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок  
етиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга ҳакли.  
Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган  
муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши  
керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш  
тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.**

**7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган  
шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров келиб тушган  
санадан эътиборан иккى иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига  
таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида иккى кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга  
белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар  
улярнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.**

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.